



OBJECTIVE AND SUBJECTIVE FACTORS INFLUENCING THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE IDEOSPHERE OF SOCIETY

Nargiza Ergashevna Salieva

PhD in Political Science, Associate Professor

Vice-Rector for Research and Innovation, Sambhram University, Jizzakh

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ideosphere of society, economic development, political freedom, information technologies, national values, demographic structure, global influences, consciousness of individuals and social groups, level of education and upbringing, trust and worldview, historical stages of societal development, social relations, culture, scientific progress, spiritual values, and others.

Abstract: The article analyzes the objective and subjective factors influencing the formation and development of the ideosphere of society, emphasizing their significance in ensuring the meaningful and sustainable development of the social ideosphere. It is also scientifically and theoretically substantiated that the formation of a society's ideosphere is organically interconnected with the complex processes of its socio-historical development.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

ЖАМИЯТ ИДЕОСФЕРАСИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР

Наргиза Эргашевна Салиева

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Жиззах шаҳридаги Самбхрам университети илмий

ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Жиззах, Ўзбекистон,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жамият идеосфераси, иқтисодий тараққиёт, сиёсий эркинлик, ахборот технологиялари, миллий қадриятлар, демографик таркиб, глобал таъсирлар, шахс ва ижтимоий гуруҳлар онги, таълим ва тарбия даражаси, ишонч ва дунёқараш, жамиятнинг тарихий

Аннотация: Мақолада жамият идеосфераси шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар таҳлил қилиниб, уларнинг жамият идеосфераси мазмунли ва барқарор ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши

босқичлари, ижтимоий муносабатлар, маданият, илмий тараққиёт ва маънавий кадриятлар ва бошқалар.

баён қилинган. Шунингдек, жамият идеосферасининг шаклланиши жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг мураккаб жараёнлари билан узвий боғлиқ эканлиги илмий-назарий асосланган.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ИДЕОСФЕРЫ ОБЩЕСТВА: ОБЪЕКТИВНЫЕ И СУБЪЕКТИВНЫЕ ФАКТОРЫ

Наргиза Эргашевна Салиева

Доктор философии (PhD) по политическим наукам, доцент

Проректор по научной работе и инновациям Самбхрамского университета в г. Джизак Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: идеосфера общества, экономическое развитие, политическая свобода, информационные технологии, национальные ценности, демографическая структура, глобальные влияния, сознание личности и социальных групп, уровень образования и воспитания, доверие и мировоззрение, исторические этапы развития общества, социальные отношения, культура, научный прогресс и духовные ценности и др.

Аннотация: В статье проводится анализ объективных и субъективных факторов, влияющих на формирование и развитие идеосферы общества, и раскрывается их значимость в обеспечении содержательного и устойчивого развития идеосферы. Также научно-теоретически обосновано, что формирование идеосферы общества органически связано со сложными процессами социально-исторического развития общества.

Кириш. Тарихдан маълумки, ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, унинг туб мақсадлари ва манфаатларини ифодаладиган идеосфераси бўлган. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳозирги даврда глобал ва минтақавий ўзгаришлар, ахборот оқимларининг шиддатли ривож, мафкуравий рақобатнинг кучайиши жамиятда ғоявий-мафкуравий барқарорликка бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Бу шароитда жамият идеосферасининг шаклланиш жараёнларини чуқур ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Агар фикрни жамлаб айтадиган бўлсак, биринчидан, жамиятда одамлар идеосфера ёрдамида муайян бош ғоя орқали бирлашадилар. Агар жамият социал тана бўлса, унинг идеосфера(мафкура)си унинг руҳидир. Бу рух, жамият аъзоларини муайян мақсад сари уюштиради, илҳомлантиради ва унинг туб манфаатларини ҳимоя қилади.

Ҳозирги даврда жамият идеосфераси жадал ўзгармоқда. бунга асосий сабабларидан бири интернет, ижтимоий тармоқлар, блоглар, онлайн медиа орқали ғоялар тез тарқалаши ҳамда ахборот уруши, манипуляция, фейк хабарлар идеосферада турли хатарларни юзага келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, танқидий фикрлаш, таълим ва маънавият асосида соғлом идеосфера шакллантириш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда.

Жамият идеосфераси ҳақида ингиз олими Ричард Докинс ўзининг “Худбин ген” асарида “идеосфера фикр дунёси учун биосфера ҳайвонот дунёси учун нима эканлигини англатади. Бизнинг цивилизациямиз идеосферадаги ғоялар курашидан келиб чиқади”[1] - деган фикрни олдинга суриши билан аҳамиятли.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни узлуксиз ривожлантиришимиз зарур. Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга биров ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон мафкураси аввало инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик мафкураси бўлади.[2]

Асосий қисм. Жамият идеосфераси жамиятнинг маънавий тараққиётини ва унинг умумий қарашларини белгилаб берадиган асосий омиллардан биридир. Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда, уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир бўлган турли ҳодиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир қилади. Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий юксакликка эришиши кийин. Умумлаштириб айтганда, “Ҳар бир инсон мақсадсиз яшай олмаганидек ва умуман жамиятнинг конкрет тарихий кўриниши – мамлакатлар ҳам мақсадсиз ва узоққа мўлжалланган стратегик режаларсиз яшай олмайди”[3].

Шу боисдан ҳам Янги Ўзбекистон шароитида жамият идеосферасига муносабат жамиятимизнинг оддий фуқароларидан тортиб, олиму фузалоларигача бўлган барча аҳолини, мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш маданиятига эга бўлган кишиларни қизиқтирадиган масалага айланди, десак хато қилмаймиз.

Инсоният тарихида жамиятлар ривожига идеосфера муҳим роль ўйнаган. Мафкуравий муҳит жамият мавжудлиги шароитида гоҳида бунёдкор, гоҳида вайронкор хусусиятларини намоён этиб келган. Мазкур хусусиятларнинг ўртасида фалсафанинг карама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида зиддиятли вазиятлар ҳам кўпинча содир бўлган. Мазкур зиддиятлар тараққиёт тамойили сифатида ҳам роль ўйнаган. “Жамиятдаги мавжуд идеосферани худди тирик организмдек тасаввур қилиш мумкин, у дунёга келади, ўсади, учрашади, кўпаяди, бошқа ғоялар билан тўқнашади, шунингдек, охир-оқибатда ҳалок бўлади”, деб таъкидлайди Б.Вебер.[4]

Жамият идеосферасининг шаклланиши ва ижтимоий аҳамият касб этиши одамзоднинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан боғлиқ.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида якка шахс даражасидаги, имкониятидаги идеосфера гуруҳ, халқ, маънавий инсонларнинг билимлари, кадриятлари, эътиқодлари ва ғояларининг ривожланиши жараёнларида сайқалланиб, мазмун ва шакл касб этиб борган. Натижада халқ тараққиёти, ижтимоий муносабатларда жамият идеосфераси одамлар, халқлар, фаолият турларининг олдинга қараб ривож, маънавий идеалига мадад берувчи тушунчага айланган. Шу тариқа жамият идеосфераси одамлар орасидаги инсонийлик ва улуғворлик, донолик ва комилликни кўрсатувчи, одамларнинг мураккаб ижтимоий тажрибасида уларни тўғри йўлга бошловчи фазилат, ўғит, билим, тажриба ва идеал сифатида ижтимоий-тарихий аҳамият касб этиб борган.

Умумий олганда, жамият идеосферасининг шаклланиши жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг мураккаб жараёнлари билан узвий боғлиқ. Ушбу жараён жамиятнинг тарихий босқичлари, ижтимоий муносабатлар, маданият, илмий тараққиёт ва маънавий кадриятлар эволюциясида юзага келади. У жамиятнинг маънавий, фалсафий, сиёсий ва ахборот муҳити билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳар бир даврда идеосферанинг мазмуни ва таъсир доираси ўзгариб боради. Бу эса ўз навбатида замонавий жамиятда эса уни бошқариш, соғломлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун таълим, ахборот маданияти ва миллий ғояларга асосланган ёндашув талаб этилади.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тузум, социал-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг объектив шарт-шароити сифатида сиёсий система, сиёсий ҳокимият идоралари механизми ёрдамида жамият аъзолари сиёсий маданиятининг ривожига доим таъсир этиб туради. Бунда ижтимоий-сиёсий тузумнинг хусусиятига қараб бу таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин; у сиёсий маданият ривож, жараёнига муайян даражада таъсир этиши ёки уни тўхтатиб туриши, уни ижтимоий тараққиёт қонунлари, умуминсоний кадриятлар асосида шакллантириши мумкин ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг тор худбинлик манфаатлари асосига қурилиши, сиёсий маданият руҳида тарбиялаши ёки сиёсатга бирёқлама, бетараф муносабатда бўлишга олиб келиши ҳам мумкин.

Жамият идеосфераси биринчи навбатда ижтимоий муҳит таъсири остида, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсий ислохатлар ҳамда сиёсий таълим ва тарбия орқали шаклланади ва узлуксиз ривожланиб боради. Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, идеосфера объектив шарт — шароитлар ва субъектив омиллар таъсири натижасида шаклланади ва улар бир-бири билан ўзаро диалектик алоқадорликда намоён бўлади.


Ҳар қандай шахс ижтимоий муҳит қобиғида яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикр янада ойдинлашади. Бунинг боиси ижтимоий муносабатлар йиғиндиси “ижтимоий

муҳит” тушунчасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий муҳит ҳар тамонлама инсонга у яшаётган вазиятлар, ҳолатлар ҳамда шароитлар орқали таъсир кўрсатади.

Ижтимоий муҳит-шахслар фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Чунки ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятлар инсонлар томонидан яратилган ҳамда жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар ҳам инсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Юқорида келтилган фикрлар асосида жамият идеосфераси энг аввало, ижтимоий муҳит таъсири остида шаклланади ва ривожланади бунда тарихий анъаналар, миллий қадриятлар, миллий менталитет муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси маданий анъаналар ва миллий қадриятлар жамият идеосферасининг тарихи ва руҳини белгилаб беради. Интеллектуаллар, зиёлилар, олимлар, ижодкорлар ҳам ўз навбатида — жамият идеосферасини яратишда муҳим рол ўйнайди. Улар янги ғояларни илгари суради, қарор топган жамият идеосфераси тараққиёт ва ўзгаришлар драйверига айланади.

Мустақиллик йилларида мустабид тузумдан бизга мерос бўлиб ўтган эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мувофиқ бўлган ҳоқимият ва бошқарув органларининг тугатилиши, янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимнинг шакллантирилиши жамият идеосфераси шаклланиши ва ривожланиши учун объектив шарт-шароитлар яратди.

Субъектив омилларга асосан жамоат ва давлат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, бошқа бир қатор ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар киради. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ижтимоий институтларнинг тарбиявий тадбирларига, айниқса, субъектив омиллар таркибида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган давлат томонидан амалга оширилаётган тарбиявий-мафкуравий ишларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ижтимоий институтларнинг тарбиявий фаолияти натижаси кўп жиҳатдан сиёсий тарғибот ва ташвиқот ишларини қандай ташкил этишига боғлиқдир. Бу муҳим ишда яна шу нарсани ҳисобга олиш керакки, жамият тараққий этиши билан объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг характери ҳам ўзгариб боради.





Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ янгича тараққиёт йўлига қадам қўйилди ва бугунги маърифатли дунё тўлиқ эътироф этган ғоялар: демократия, шахс ва фикр эркинлиги, мулк шакллари ва хилма-хиллиги, қонуннинг мафкурадан устунлиги, кўппартиявийлик каби қадриятлар янги давлат қуриш жараёнида асосий мақсад қилиб олинди.

Инсонларнинг жамият идеосферасига нисбатан қизиқишининг асосий сабаблари сифатида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бориши ва сиёсатда ўз манфаатларини излаши орқали тушунтирилади. Идеосфера гарчи жамият аъзоларининг қарашлари, манфаатлари, сиёсатдаги иштироки турлича бўлишига қарамасдан, уларни доим ўзига тортаверади. Бу эса фуқароларда сиёсатда иштирок этиш имконияти ёки вужудга келтиради, ёки уларнинг сиёсатдан қўнгли қолишига олиб келади. Буларнинг барчаси, одамларда идеосферага бўлган эҳтиёжни юксалтиради.

Жамият идеосфераси шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш муҳимлиги шундаки, у анъана, миллий мерос, жўғрофий-сиёсий омил, тарихан вужудга келган ижтимоий ва этник тузилиш, диний эътиқод қабиларни қамраб олувчи ижтимоий-тарихий негизнинг таркибий қисми сифатида ҳам қараш мумкин бўлган категориядир. Сабаби у халқнинг дунёқараши хусусан, сиёсий онги билан ҳамоҳанг ривожланади.

Хулоса. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият идеосфераси шаклланиши ва ривожланишида объектив омиллар иқтисодий тараққиёт, сиёсий эркинлик, ахборот технологиялари, миллий қадриятлар, демографик таркиб ва глобал таъсирлар жамиятда қайси ғоялар устувор бўлишини белгилайди. Бу омиллар ўзгариши билан ҳамоҳанг тарзда жамият идеосфераси мазмуни ва шакли ҳам ўзгариб боради. Шунингдек, жамият идеосферасининг шаклланиши ва ривожланишида субъектив омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, шахс ва ижтимоий гуруҳлар онги, таълим ва тарбия даражаси, ишонч ва дунёқараш, зиёлилар фаоллиги каби омиллар орқали ғоялар яратилади, тарқатилади ва мустаҳкамланади. Натижада мазкур омиллар жамият идеосферасининг мазмунли ва барқарор ривожини таъминлашга хизмат қилади. Хуллас, жамият идеосферасининг ривожланиши кўплаб омиллар — иқтисодий, сиёсий, ахборот, таълим, маданий ва шахсий фаолият билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам жамият идеосфераси ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб жамиятнинг турли босқичларида янгилаш мазмун касб этиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Р.Докинс “Эгоистический ген” . М.: ООО “Издательство АСТ”, 2013 с.76
- 2.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 292-293 б.
- 3.Аҳмедов И.Н.Миллий ғоя шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларининг ижтимоий фалсафий таҳлили (Ўзбекистон мисолида) Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати самарқанд – 2020
- 4..Вебер Б. Энциклопедия относительного и абсолютного знания: -Москва, Гелеос, 2007. –с. 7.